

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ СТРАТЕГИК
ВА МИНТАҚАЛАРДАР ОЛДЫРЫЛЫПТАР АРДА ИНСТИТУТИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ МАРКАЗИ

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ: 100 САВОЛГА 100 ЖАВОБ

Тошкент – 2004

66,3(5-УЗ)68

М.А.Ахмадшоева, Ш.В.Расулов. Сайлов қонунчилиги:
100 саволга 100 жавоб. - Т.: ТДЮИ, 2004. – 48 б.

Таҳрир ҳайъати:

Б.М.Мустафаев
М.Х.Рустамбоев
Р.М.Алимов
А.Х.Саидов
Д.Қ.Аҳмедов

Мазкур рисолада сайловлар, жумладан, икки палатали парламентта сайловлар ҳамда амалдаги сайлов қонунчилигига доир айрим мухим масалалар савол-жавоб тарзида баён этилган.

Рисолада сайловлар тушунчаси, мазмуни, турлари, сайловларни ўтказиш тартиби ва асослари, шунингдек, фуқароларнинг сайловларда қатнашиш тартиби, сайловчи ва номзодларга қўйиладиган талаблар ҳамда сайловларни молиялаштириш тартиби каби масалалар ёритилган.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

10 30712
0

© М.Ахмадшоева, Ш.Расулов, 2004 й.
© Тошкент давлат юридик институти, 2004 й.

084
6556 | Alisher Navo
nomidagi
O'zbekiston M

60

Сўз боши

Ўтган асрнинг охирги ўн йиллиги социалистик тузумнинг барҳам топиши ва янги мустакил давлатларнинг пайдо бўлиши жараёни билан тавсифланади. Ҳозирги кунда янги мустакил давлатлар демократик гаракқиётнинг мураккаб ва масъулатли йўлидан боришлоқда. Мазкур давлатларда демократик институтлар шаклланиб, давлат ва жамият фаолиятини эркинлаштириш учун фаол ҳаракат килмоқдалар.

Халқаро ҳамжамиятда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган мустакил Ўзбекистон ҳам бугунги кунда эркин фуқаролик жамияти ва демократик хукуқий давлат қуриш йўлидан боришлоқда. Шу муносабат билан жорий йилнинг охирида ўтказиладиган вакиллик органларига сайловлар, ўз мазмуни ва моҳиятига кўра, тарихий аҳамиятга молик бўлишига шубҳа йўқ.

Сайловлар давлат ҳокимиятини, давлат органлари фаолиятини қонунлаштирадиган, бу институтларнинг ҳам шаклланиши, ҳам фаолияти адолатли эканлигига аҳолида ишонч уйғотадиган сиёсий-хукуқий қадрият хисобланади. Сайловлар фуқароларимизнинг сиёсий фаоллигини ошириш билан бир каторда бўлажак икки палатали Парламентни шакллантириш ва унда фаолият юритадиган профессионал, депутатликка муносиб номзодларни танлаб олиш учун ҳам имконият яратади. Ваҳоланки, бунинг натижасида юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаравонлигини таъминлаш учун шарт-шароит яратилган бўлади. Бу каби олий жаноб мақсадларга эришиш учун эса барча фуқароларимиз сайловга оид қонунчилик талабларини яхши билишлари ва моҳиятини чукур англаб етишлари лозим бўлади.

Шу муносабат билан сайловлар ҳақидаги билимларимизни чукурлаштириш, бу билимларни тарғиб қилиш ҳамда уларни ҳар бир Ўзбекистон фуқароси онгига етказиш ҳозирги куннинг долзарб масаласидир.

Мазкур рисолада жаҳон сайлов амалиёти ҳамда Ўзбекистон сайлов қонунчилиги ҳақидаги маълумотлар савол-жавоб тарзида берилган.

1-савол. Сайловлар қачон ва қай тариқа вужудга келган?

Дастлаб, сайловлар Қадимги Рим ва Қадимги Юнонистонда вужудга келган бўлиб, унда эркин фуқароларнинг овоз беришда қатнашиши мажбурий хисобланган, ҳатто, бунинг учун ҳақ ҳам тўлашган. Бироқ, кейинчалик, мутлақ монархия тузуми ҳукмрон бўлгач, сайловлар бир неча юз йилларга йўқолиб кетган, чунки бу даврда давлат органларини шакллантиришда ҳеч ким иштирок этмаган ва сайлаб ҳам кўйишмаган. Сайловлар, шунга боғлиқ ҳолда, сайлов ҳукуқи, факат буржуа инқилоблари даврида, дастлабки конституциялар билан бир пайтда яна қайтадан вужудга кела бошлигар.

Ўзбекистонда ҳақиқий демократик сайловлар фақат мустақиллик шарофати билан қарор топди ва ҳозирги кунда ривожланиш жараёнини бошидан кечирмокда.

2-савол. Сайлов ҳукуқининг мазмуни нимадан иборат?

Сайлов ҳукуқи – конституциявий ҳукуқнинг муҳим инстититути сифатида сайлов жараёнини тартибга соладиган нормалар тизими сифатида тушунилади (объектив маънода). Демак, **сайлов ҳукуқи** - муайян бир давлатдаги вакиллик органлари ва мансабдор шахсларнинг сайланиш тартиби ва асосларини тартибга солувчи нормалар мажмуидан иборат.

Сайлов ҳукуқи фуқароларнинг вакиллик органларини шакллантиришда қатнашиш, яъни мазкур органларни сайлаш ва шу органларга сайланиш ҳукуқидир (субъектив маънода).

3-савол. Сайлов ҳукуқининг қандай манбалари бор?

Сайлов ҳукуқининг манбаларини, одатда икки гуруҳга бўлинади:

1) ёзма манбалар, бу гуруҳга Конституция, қонунлар, қонун ости актлари киради. Сайлов ҳукуқининг асосий

принципларини ўзида мустаҳкамлайдиган халқаро шартномалар ҳам сайлов ҳукукининг ёзма манбалари бўлиши мумкин;

2) Сайлов ҳукукининг ёзилмаган манбалари турухига ҳукукий одатлар, анъаналар киради.

4-савол. Сайловнинг ўзи нима?

Сайлов - қонун билан белгиланган муайян ҳукукий жараён бўлиб, унда фуқаролар муайян бир партия ёки номзод учун ўз овозларини беришади ва бунинг иттихасида ёки ҳокимиятнинг сайлаб қўйиладиган органи – парламент шакллантирилади ёки аниқ бир мансабдор шахс, жумладан, Президент, шаҳар ҳокими (мэри), баъзи давлатларда судьялар сайланади.

5-савол. Сайловларнинг қандай турлари мавжуд?

I. Сайловлар, кўпинча, ўтказиладиган ҳудудга боғлик ҳолда таснифланиб, куйидаги кўришиларга бўлинади:

- *умуммиллий сайловлар*, бунда сайловлар бутун мамлакат миқёсида ўтказилади.

- *минтақавий сайловлар*, бунда сайловлар йирик маъмурӣ бўлинмалар миқёсида ўтказилади.

- *маҳаллий сайловлар*, муайян маъмурий-худудий бўлинма (вилоят, туман, шаҳар, шаҳарчча) миқёсида ўтказиладиган сайловлар.

II. Сайловлар фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини ифода этишларига боғлик ҳолда, *тӯғри* (бевосита) ва *эгри* (погонали – билвосита) сайловларга бўлинади:

- *тӯғри сайловлар* - аниқ бир шахснинг муайян бир лавозимга фуқаролар томонидан бевосита сайлаб қўйилишидир. Қатор давлатларда, Франция, Миср, Ўзбекистон ва бошқа давлатларда, Президент бевосита сайловчилар томонидан сайлаб қўйилади.

- *эгри сайловлар*, яъни погонали сайловларда, сайловчиларнинг хоҳиш-иродаси бевосита ўзлари томонидан эмас,

балки сайловчилар гурухи ёки ҳаракатдаги сайлов органи орқали амалга оширилади. Эгри сайловлар, АҚШда мамлакат Президентини сайлашда, ҳозирга қадар, расман қўллануб келинмоқда.

Эгри сайловларнинг ҳам икки тури мавжуд:

- *бивосита сайловлар*, бунда сайловчилар ўз хошиш иродалари орқали маҳсус сайловчиларни, ишончи вакиллар ҳайъатини сайлашади, улар, кейинчалик, ўзлари сайланган сайловчилар номидан, бевосита конкрет шахсни муайян лавозимга сайлайдилар. Масалан, АҚШ Президенти сайлови.

- *кўттогонали сайловлар* – бунда сайловчиларнинг иродасини ифодаловчи сифатида сайловчилар гурухи эмас, балки доимий равишда фаолият юритувчи орган, жумладан, маҳаллий Кенгашлар, Парламент ёки Парламентнинг биронта палатаси чиқади (Италия, Хитой ва б.)

III. *Сайловлар навбатдаги ва навбатдан ташқари сайловларга бўлинади:*

- *навбатдаги сайловлар* – муайян бир сайлаб кўйилган органнинг ваколат муддати тугаши муносабати билан ўтказиладиган сайловлардир, яъни қонунда белгиланган муддат тугаши муносабати билан ўтказиладиган сайловлар (Франция, Ўзбекистон Президентининг ваколат муддати -7 йил, АҚШ ва Россия Президентларининг ваколат муддатлари – 4 йил).

- *навбатдан ташқари* (муддатдан олдин) сайловлар, бунда мансабдор шахснинг ўрни бўшаб қолганда ёки вакиллик органи - парламент муддатидан олдин тарқатиб юборилганда, ўтказилиши мумкин. Масалан, 1974 или Франция Президенти Жорж Помпиду ўлими муносабати билан унинг Президентлик ваколати муддати тугашидан олдин, навбатдан ташқари Президентлик сайлови ўтказилиб, Франциянинг янги Президенти – Жискар д, Эстен сайланди.

IV. Сайловларнинг қўшимча ва қисман сайловлар каби турлари мавжуд:

- қўшимча сайловлар, мабодо, коллегиал органда бўш жой пайдо бўлиб қолса, шу ҳолда ўтказилади (касаллик, ўлим ёки ўз ихтиёри билан кетиш каби ҳолатлар натижасида) (“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни (янги таҳрир)нинг 47-моддасига биноан, Марказий сайлов комиссияси айрим депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, шунингдек, депутат чақириб олинганд, бошқа сабабларга кўра депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тугатилган ҳолларда тегишли сайлов округларида янги сайлов ўтказилиши белгиланган)¹.

- қисман сайловлар эса, кўшимча сайловлардан фарқ килган ҳолда, конунда назарда тутилган ва мажбурий характерга эга бўлган бўлиб, улар коллегиал сайлаб кўйиладиган орган таркибини қисман янгилаш (ротация) максадида ўтказилади (АҚШ сенати таркиби ҳар икки йилда қисман янгиланади).

6-савол. “Абсентизм” атамасининг маъноси нима?

«Абсентизм» сўзи инглизча “absent” - келмаганлик, ҳозир бўлмаганлик сўзидан олинганд бўлиб, бу атама фуқароларнинг сайловларда ихтиёрий қатнашмаслик хукукини англатади Бу ҳолат, хусусан, АҚШ ва бошқа Ўарб давлатларида кўпроқ кузатилади.

7-савол. Сайлов хукуқининг қандай принциплари мавжуд?

- сайлов хукуқининг умумийлиги принципи;
- тенг сайлов хукуки принципи;
- сайловларда эркин қатнашиш принципи;

¹ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси конуни (янги таҳрир) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2003. №9-10.132-модда.

-тўғридан-тўғри сайлов принципи;
-яширин овоз бериш принципи.

Ўзбекистонда парламентнинг Конунчилик палатасига ўтказиладиган сайловларнинг асосий принциплари “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни (янги таҳрир)нинг 1-5-моддаларида мустаҳкамланган¹.

8-савол. Сайлов ҳуқуқининг умумийлиги принципи нимани англатади?

Сайлов ҳуқуқининг умумийлиги – ҳар бир мамлакатнинг руҳий жиҳатдан соғлом, озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтамаётган барча фуқаролари қонунида белгиланган ҳамма сайлов ҳуқуклари, яъни сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларига эга эканликлари эътироф этилишидир.

9-савол. Тенг сайлов ҳуқуки нимани англатади?

Тенг сайлов ҳуқуки сайловларда қатнашишга ҳуқуқи бўлган барча фуқаролар ҳам сайловчи, ҳам сайланувчи сифатида тенг ҳуқуқ ва мажбуриятта эга эканлигини англатади. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга ва унинг овози бошқа сайловчи-нинг овозига тенг.

10-савол. Сайловларда эрkin қатнашиши принципи нимани англатади?

Сайловларда эрkin қатнашиши принципи – сайловчи сайловда қатнашиши ёки қатнашмаслик ҳуқуқини англатади, мабодо қатнапса, сайловнинг қайси босқичида ва қандай шаклда қатнашишини англатади.

¹ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси конуни (янги таҳрир) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2003. №9-10.132-модда.

11-савол. Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи принцини нимани англатади?

Мазкур принцип фуқароларнинг сайловда бевосита, яъни погонасиз, вакилларсиз, айнан ўзлари томонидан сайлов ҳуқуқининг амалга оширилишини англатади. Ушбу принцип Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрир) нинг 4-моддасида мустаҳкамланган.¹

12-савол. Яширин овоз берииш принципи нимани англатади?

Бу сайловчининг ҳеч бир ташқи таъсирсиз ўз хоҳиш-иродасини ифода этишидир. Бунда сайловчининг овоз бериши маҳсус, ёпик ва ажратилган, холи хоналарда амалга оширилиб, сайловчининг сайлов бюллетенини қай тарзда тўлдиргандиги мутлако яширин ҳолда кечади. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрир) нинг 5-моддасига кўра, “Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида эркин ва яширин овоз берилади. Овоз берувчиларнинг хоҳиш-иродаси назорат қилинishiга йўл қўйилмайди”².

13-савол. Сайлов цензлари нима?

Сайлов цензлари бу қонун билан белгиланган шундай талаблар мажмуи бўлиб, ушбу талабларга ҳар бир сайловчи жавоб бериши керак. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонун(янги таҳрир)нинг 2-моддасида³ Ўзбе-

¹ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (янги таҳрир) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2003. №9-10.132-модда.

² Ўша қонун.

³ Ўша қонун.

қистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларга нисбатан белгиланган ёш ва ўтроқлик цензлари мустаҳкамланган.

14-савол. Ёш цензи нима?

Сайловлардаги ёш цензи - фуқароларнинг сайловда иштирок этишлари учун муайян, қонунда белгиланган ёшга этишлари талаб этилишидир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатига сайловларда сайлаш хуқуқи билан 18 ёшга тўлган сайланиш хуқуқи билан эса 25 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари қатнашадилар.

15-савол. Ёш цензи, яъни ҳар бир фуқаро сайловда қатниши учун неча ёшга етган бўлиши лозимлиги бутун дунё мамлакатларида бир хилми?

Йўқ, айрим давлатларда бошқача белгиланган, бирок, бу масалада муайян умумийлик ҳам мавжуд. Францияда -23 ёш, Швеция, АҚШ, Италия, Бельгия, Японияда -25 ёш қилиб белгиланган. Ўзбекистонда парламентнинг куйи палатасига депутатларни сайлаш хуқуқи фуқаролар учун 18 ёш (пассив сайлов хуқуки), палаталикка сайланиш учун 25 ёш белгиланган (актив сайлов хуқуки).¹ 45 ёш белгиланган давлатлар ҳам мавжуд: масалан, Бельгия, Туркия ва Италия.

16-савол. Сайловларда ўтроқлик цензи нимани билдира-ди?

Ўтроқлик (муқимлик) цензи – муайян бир ҳудудда овоз берган фуқаролар, айнан ўша ҳудудда, сайловгача маълум мурдат давомида муқим яшаган бўлишлари талаб этилади. Ўтроқлик цензи турли давлатларда турлича бўлиши мумкин, масалан, Францияда фуқаролар сайловда қатнашишлари учун

¹ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (янги таҳрир) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2003. №9-10.132-модда.

шу худудда ярим йил, ГФР да эса – уч ой, АҚШ да – 1-2 ой яшаган бўлиши талаб этилади.

Ўзбекистонда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Конунчилик палатасига сайданиш учун, фукаро, камида беш йил мамлакат худудида муким яшаган бўлиши талаб этилади.

17-савол. Мулк цензи нима?

Мулк цензи бу – сайловчиларнинг сайловда қатнашиш учун муайян мулкка, даромадга эга бўлишлари талаб этилади. Мулк цензи, асосан, тарихда мавжуд бўлган, ҳозирги замон сайлов амалиётида, айрим истиснолардан ташқари, айтарли кўлланилмайди. Масалан, Аргентинада Президентликка номзод бўлиш учун шахснинг маълум миқдорда йиллик даромади бўлиши лозимлиги талаб этилади. Бу даромад ушбу шахснинг бойлик орттириш учун эмас, балки халққа хизмат қилиши учун Президент бўлишга интилаётганидан далолат беради. Ўзбекистон сайлов конунчилигига мулк цензи назарда тутилмаган.

18-савол. Сайлов жараёни нима?

Сайлов жараёни – сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан амалга ошириладиган тадбир ва чоралар мажмуидан иборатdir.

19-савол. Сайлов жараёни қандай босқичлардан иборат?

Одатда, сайлов жараёни тўрт босқични ўз ичига олади:

- 1) сайлов округларини белгилаш ва уларда сайлов участкаларини ташкил этиш, сайлов органларини ташкил этиш, сайловчиларни рўйхатдан ўтказиш;
- 2) сайловлар кунини белгилаш, номзодлар кўрсатиш;
- 3) сайлов олди кураши, овоз бериш;
- 4) овозларни ҳисоблаш, овоз бериш натижаларини аниклаш.

20-савол. Сайлов округи тушунчасининг мазмунинимадан иборат?

Сайлов округи – марказий сайлов органи томонидан

тузиладиган муайян бир белгиланган ҳудуд бўлиб, унда бевосита сайловлар ўтказилади ва шу ҳудуддан депутат (ёки депутатлар) сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрир)нинг 2-боби 7-моддасида Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловлар ўтказиш учун сайлов округларини тузиш тартиби ва асослари мустаҳкамланган¹.

21-савол. Сайлов округлари қай тарзда ташкил этилади?

Сайлов округлари, бевосита маҳсус тарзда ташкил этилиши мумкин, айрим ҳолларда эса маъмурий-худудий бўлинмалар ёки федерация субъектлари ҳудудлари сайлов округлари сифатида хизмат қиласди.

22-савол. Сайлов округларининг қандай кўринишлари мавжуд?

Сайлов округлари бир мандатли, кўп мандатли ва ягона бўлиши мумкин.

23-савол. Бир мандатли сайлов округи қанақа?

Бир мандатли сайлов округида, айнан ўша округдан фақат биттагина депутат сайланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрир)нинг 2-боби 7-моддасида Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловлар ўтказиш учун 120 та ҳудудий сайлов округи тузилиб, ҳар бир сайлов округидан **битта депутат сайланади**.

24-савол. Кўп мандатли сайлов округи қанақа?

Кўп мандатли сайлов округида, бир мандатли сайлов

¹ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (янги таҳрир) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2003. №9-10.132-модда.

округидан фарқ қилган ҳолда, ундан бир неча депутатлар сайланади.

25-савол. Сайлов участкалари нима?

Сайлов участкалари - сайлов округини бўлиш орқали шакллантирилади ва уларда бевосита овоз бериш учун аниқ жойлар белгиланиб, сайловчилар овоз бериш жараёнини амалга ошириш учун келишади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида¹ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрир)нинг 2-боби 8-моддасида Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ўтказилидиган сайловларда сайлов участкаларини тузиш тартиби ва нормаси белгиланган бўлиб, сайлов участкалари туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда, сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулийлик яратиш мақсадида тузилади.¹

26-савол. Сайлов органлари қандай орган?

Сайлов органлари сайловни ташкил этадиган, уларнинг ўтказилиши устидан кузатадиган ва сайлов натижаларини умумлаштирадиган органдир.

27-савол. Сайлов органларининг ташкил этилиши тарти-би барча давлатларда бир хилми?

Йўқ, бир хил эмас, улар турлича ташкил этилади ва турлича фаолият юргизади. Масалан., айрим давлатларда марказий сайлов органи вазифасини *Ички Ишлар Вазирлиги* бажарди (Англия, Франция, Италия), айрим давлатларда, хусусан, Лотин Америкаси давлатларида сайлов трибуналлари, бошқа давлатларда эса маҳсус сайлов комиссиялари тузилади (Германия, Австрия, Мексика), Коста-Рикада сайлов органларини судлар шакллантиради.

¹ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (янги таҳрир) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2003. №9-10.132-модда.

Ўзбекистонда юқори сайлов органи Марказий сайлов комиссияси хисобланиб, уни тузиш тартиби “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ тузилади.

28-савол. *Округ сайлов органларининг ташкил топиш тартиби қандай амалга оширилади?*

Округ сайлов органларининг ташкил топиш тартиби турли мамлакатларда турлича, хусусан, бир гурух мамлакатларда, ҳеч қанака сайлов комиссияси ташкил этилмайди, назорат функциясини эса маҳсус тайинланган амалдор ёки сайлов бўйича ваколатли шахс олиб боради. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни (янги таҳрир)нинг 3-боби 12-моддасида Ўзбекистон Олий Мажлиси Конунчилик палатасига ўтказиладиган сайловларда округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга қамида 70 (етмиш) кун қолганида, комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва қамида 6 нафар бошқа аъзосидан иборат таркибда тузилади.¹

29-савол. *Участка сайлов органлари қай тарзда ташкил этилади?*

Участка сайлов органлари, қоидага кўра, юқори турувчи ташкилот ёки ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланади.

30-савол. *Сайловчиларни рўйхатдан ўтказиш қай тарзда амалга оширилади?*

Сайловчиларни рўйхатдан ўтказиш – фуқароларни сайловчиларнинг маҳсус рўйхатига киритиш демакдир.

31-савол. *Номзодларни депутатликка кўрсатиш тартиби қай тариқа амалга оширилади?*

Номзодларни депутатликка кўрсатиш қонунда мустаҳ-

¹ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси конуни (янги таҳрир) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2003. №9-10.132-модда.

камланган бўлиб, белгиланган тартибга кўра, пассив сайлов хукуқи (яъни сайланиш хукуқи)га эга бўлган фуқаро депутатликка номзод ёки бирон-бир бошқа сайлаб кўйила-диган лавозимга номзод сифатида рўйхатдан ўтиши мумкин.

32-савол. Сиёсий партиялар томонидан номзодларни кўрсатиш тартиби қандай?

Сиёсий партиялар томонидан номзодларни кўрсатиш тартиби мавжуд бўлган сайлов тизимларида ўтказиладиган сайловларда, парламентнинг кўи палатасига номзодлар сиёсий партиялар томонидан кўрсатилади, бундай амалиёт кейинги пайтларда кенг тарқалмоқда, жумладан, Австрия, Германия, Финляндия, Япония ва бошқа давлатларда.

Сайлов гарови номзодларнинг интизомини мустаҳкамлашга хизмат килади, сайловларга бепарволик, баъзан ўйин сифатида қарашларнинг олдини олади.

33-савол. Фуқароларнинг пассив сайлов хукуқи қайси ҳолларда чекланиши мумкин?

Пассив сайлов хукуқининг икки хил чекланиши ҳолати маълум:

- ❖ сайланишнинг мутлақ имкони йўқлиги;
- ❖ сайланишнинг нисбий имкони йўқлиги.

Фуқароларнинг пассив сайлов хукуқининг мутлақ чекланиши шуни англатадики, бунда шахс бирорта ҳам сайлов округидан депутат бўлиб сайланиши мумкин эмас. Сайланишнинг нисбий имкони йўқлиги ҳолатида эса маълум бир худудда муайян лавозимни эгаллаб турган шахс қонун чиқарувчи органга сайланиши мумкин эмас. Масалан, Мексикада айрим штатларнинг губернаторлари, ушбу лавозимни эгаллаб турган вактлари давомида ва истеъфога чиққанидан кейин ҳам, мазкур штатнинг қонун чиқарувчи органига сайланиши мумкин эмас.

34-савол. Депутатликка номзодларга алоҳида талаблар қўйиладиган ҳоллар ҳам мавжудми?

Бундай ҳолатлар бор. Масалан, Кипр, Франция ва Туркияда депутатликка номзодлар албаттга армияда хизмат қилган бўлишлари керак. Масалан, Буюк Британияда парламент депутатлигига номзод бўлиш учун сайланган жойида яшаши ёки ўша ерда доимий иш жойига эга бўлиши ёки маҳаллий солиқларни тўлаб келган бўлиши талаб этилади; Жазоирда эса Президентликка номзод давлат дини бўлган исломни хурмат қилиш ва уни улуғлаш бўйича маҳсус мажбурият олиши талаб этилади.

35-савол. Хорижий давлатларда сайловларни молиялаштириши тартиби қандай?

Сайлов кампанияси борган сари серхаражат бўлиб бормоқда. Сайлов кампанияларининг молиялаштириш манбаларига қуидагилар киради:

1. Номзоднинг шахсий маблағлари.
2. Сайлов кампаниясининг давлат бюджетидан молиялаштирилиши.
3. Хусусий шахслар, фирмалар, банкларнинг хайрия маблағлари.
4. Сиёсий партиялар берадиган маблағлар.

36-савол. Ўзбекистонда сайловларни молиялаштириши тартиби қандай?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни (янги таҳрир) нинг 64-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Конунчилик палатаси депутатлигига ва Сенат аъзолигига номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва моддий жиҳатдан ўзга тарзда қўллаб-куватлаш тақиқланади.

Сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, кор-

хоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар сайлов ўтказиш учун ўз маблағларини ихтиёрий равишда беришлари мумкин.¹

37-савол. Сайловларни давлат томонидан молиялашитириши тартиби яна қайси мамлакатларда мавжуд?

Ҳақиқатан, айрим давлатларда сайловлар давлат томонидан молиялаширилади, масалан, Скандинавия давлатларида, Германияда, АҚШда кисман молиялаширилади.

38-савол. Овоз бериши жараёни қандай тартибда амалга оширилади?

Овоз бериш жараёни сайлов жараёнининг энг мухим босқичи ҳисобланади. Шу боис, бу жараён қонунчиликда батафсил тартибга солинган.

39-савол. Бевосита овоз бериши жараёни қай тартиқа юз беради?

Кўп давлатларда овоз бериш жараёни яширин тарзда амалга оширилади, овоз бериш бевосита сайлов бюллетенларини тўлдириш орқали кечади. Расмий сайлов бюллетенлари – тегишли матн ва номзодларнинг исми шарифи туширилган маҳсус варакалар бўлиб, улар давлат органлари томонидан чоп этилади. Бу бюллетенларни олган сайловчи унга ким учун овоз берганлигини аниқ кўрсатиб турадиган тегишли белгиларни кўяди.

40-савол. Берилган овозлар қандай ҳисобланади?

Дастлаб, мазкур сайлов округи бўйича берилган барча овозларнинг умумий сони аниқланади, сўнг бюллетенлар партиялар ва тегишли номзодлар бўйича кўйиб чиқилади. Кейин баённома тузилиб, овоз бериш якунлари умумлаш-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (янги таҳрир) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2003. №9-10. 132-модда.

тирилади ва юқори турувчи сайлов комиссиясига жүннатилади.

41-савол. Овозларни ҳисоблаш тартиби барча давлатларда бир хилми?

Деярли бир хил, яъни сайлов участкасида берилган овозлар сайлов участкаси комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади, бунда партиялар ва халқаро ташкилотлар вакиллари кузатувчи сифатида иштирок этиши мумкин.

42-савол. Сайлов тизимининг қандай турлари бор?

Дарвоқе, сайлов тизимининг куйидаги кўринишлари мавжуд:

- ❖ мажоритар сайлов тизими;
- ❖ пропорционал сайлов тизими;
- ❖ аралаш сайлов тизими.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва Сенатини шакллантиришда ўтказиладиган сайловлар мажоритар тизим асосида, аникроғи, мажоритар тизимининг мутлақ кўпчилик овозли кўриниши шаклида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисидаги Қонуни (янги таҳрири)нинг 44,56 моддалари.

43-савол. Мажоритар сайлов тизимининг қандай хусусиятлари бор?

Бу тизимнинг номи французча «*majorité*» сўзидан олинган бўлиб, «кўпчилик» деган маънони англатади. Бу энг «ёши катта» сайлов тизими ҳисбланиб, унинг уч кўриниши мавжуд:

- а) малакали кўпчилик овозли мажоритар тизими;
- б) мутлақ кўпчилик овозли мажоритар тизими;
- в) нисбий кўпчилик овозли мажоритар тизими.

44-савол. Малакали кўпчилик овозли мажоритар тизимнинг бошқаларидан фарқи нимада?

Айтиш жоизки, бу тизим энг кам учрайдиган тизим хисобланиб, бунда номзод сайловларда ғалаба қозониши учун сайловчиларнинг малакали кўпчилик овозини олиши зарур, яъни 2/3, 3/4 қисм овоз олиши талаб этилади. Мазкур сайлов тизими баъзи ҳолларда, айрим мансабдор шахсларни сайлашда ҳам кўлланилади. Жумладан, Италиянинг амалдаги Конституциясига мувофиқ, парламент томонидан Президентни сайлашда малакали кўпчилик, яъни овозларнинг 2/3 қисми талаб этилади.¹

45-савол. Бу тизимнинг заиф жиҳатлари нимада кўринади?

Малакали кўпчилик овозли мажоритар тизимнинг заиф жиҳати шундаки, ҳозирги ривожланган демократияли давлатларда, чинакам кўппартиявийлик шароитида бундай кўпчилик овозни тўплаш амри-маҳол, шу боис, сайловларни икки турда ўтказишга тўғри келади, бу эса ортиқча вақт ва маблағни талаб этади.

46-савол. Икки турдаги сайловлар қай тариқа ўтказилади?

Биринчи турда номзодларнинг бирортаси ҳам керакли микдордаги овозларни ола олмаса, иккинчи тур сайловлар тайинланади. Бунда биринчи турда нисбатан кўп овоз олган икки нафар номзод иккинчи турга қўйилади ва улардан кайси бири энг кўп овоз олса, ўша номзод сайловда ғолиб чиқсан хисобланади. Ўзбекистон Республикаси сайлов конунчилигига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатасига ўтказилган сайловларда, мабодо, сайлов округида сайлов ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилмаган бўлса ёки такрорий овоз бериш Қонунчилик палатасига депутат сайланганлигини аниқлаш имконини бермаган бўлса ёхуд

¹ Чудаков М.Ф. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Минск.ООО “Новое знание”. 2001. -с.309.

сайлов округи бўйича депутатликка кўпи билан икки номзод овозга кўйилган ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса, бу ҳолда, Қонунчилик палатаси депутатининг такрорий сайлови ўtkазилади. Такрорий сайлов Марказий сайлов комиссиясининг топшириғига биноан окрут сайлов комиссияси томонидан, асосий сайловдан кейин кўпи билан бир ойлик муддат ичидаги ўtkазилади.

47-савол. *Мутлақ кўпчилик овозли мажоритар тизимнинг малакали кўпчилик овоз олиши тизимидан фарқи нимада кўринади?*

Мутлақ кўпчилик овозли мажоритар тизимда номзод сайловчилар овозининг 50 % фоизи ва плюс 1 дона овоз тўплashi талаб этилади. Бунда, фоиз, айрим ҳолларда, сайловчиларнинг умумий овозидан, бошқа холларда эса, сайловда иштирок этган сайловчиларнинг умумий овозидан чиқарилади.

48-савол. *Мабодо, бу тизимда номзодларнинг бирортаси ҳам 50 % плюс 1 та овоз ола олмаса, у ҳолда нима бўлади?*

У ҳолда иккинчи тур сайловлар ўtkазилиб, бунда номзод бошқасидан битта овоз кўп олса ҳам, сайловда ғолиб чиқсан хисобланади.

49-савол. *Мажоритар тизимнинг нисбий кўпчилик овоз олишига асосланган кўринишида овоз йигши тартиби қандай?*

Нисбий кўпчилик овоз олиши тизимида номзод бошқаларга нисбатан кўп овоз олиши кифоя, шу боис, бу тизим энг оддий ва кенг тарқалган хисобланади.

50-савол. *Мажоритар тизимнинг кўп давлатларда амал қилиши унинг анча самарадорлигидан далолат беради, бу тизимнинг қандай изжобий жиҳатлари бор?*

Мажоритар тизимда доимо парламентда йирик партияий

фракциялар ташкил топади ва улар мамлакатда барқарорлик ўрнатилишини таъминлаб туради; парламентар республикаларда ёки монархияда хукуматнинг шаклланиши енгил кечади.

51-савол. Мажоритар тизимнинг заиф жиҳатлари ҳам мавжудми?

Мажоритар тизимда ўтказилган сайловда ғолиб номзодга ёки ғолиб партияга берилган овозлар миқдори асосан камчиликни ташкил киласди, энг ачинарлиси эса, қолган овозлар хисобга олинмайди.

52-савол. Мажоритар сайлов тизимида, кўпинча, сайловлар бир мандатли округларда ўтказиладими ёки кўп мандатли округларда ўтказиладими?

Кўпинча, мажоритар тизимда, бир мандатли сайлов округларида сайловлар ўтказилади.

53-савол. Мажоритар сайлов тизимидан бошқа яна анча кенг тарқалган қандай сайлов тизимлари мавжуд?

Дарҳакиқат, мажоритар тизимнинг камчиликлари бўлганлиги боис, изланишлар натижасида, пропорционал сайлов тизими ишлаб чиқилган бўлиб, бу тизимда, партия ёки сайлов блоки, сайлов натижаларига кўра олинган овозлар миқдорига мос ҳолда, парламентда мандатга – жойга эга бўлади.

54-савол. Мажоритар тизим бир мандатли округлардаги сайловларда кўп қўлланилса, пропорционал сайлов тизими қайси ҳолларда кўпроқ қўлланилади?

Бу тизим доимо партия рўйхатлари бўйича овоз беришда қўлланилиб келинмоқда, шу боис ҳам у партиялар сайлов тизими ҳисобланади.

55-савол. Айрим давлатларда мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларини аралашган, уйғунлашган ҳолда қўллаши ҳоллари ҳам мавжудми?

Ҳа, ҳақиқатан, бу икки тизим аралашган ҳолда қўлла-

нилади, айни пайтда бундай кўллашнинг ҳам икки варианти мавжуд.

Биринчисида, асосан мажоритар тизим кўлланилиб, бирок пропорционал тизим билан тўлдирилади. Бунда, масалан, парламентнинг кўйи палатасига депутатларнинг тўртдан уч қисми мажоритар, тўртдан бир қисми пропорционал сайлов тизими асосида сайланади. Иккинчисида эса, депутатларнинг ярми бутун мамлакатни қамраб олган бир мандатли округлардан мажоритар тизим бўйича, колган қисми эса умумдавлат миқёсидаги партия рўйхатлари бўйича ўтказиладиган сайловларда сайланади. Бу ҳолда, сайловчи сайлов куни 2 та бюллетен олади, биринчиси бўйича мажоритар тизимга мувофиқ, овоз беради, иккинчиси бўйича эса партия учун овоз беради.

56-савол. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари қандай номланади?

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасида мустаҳкамланганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан иборат: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси (кўйи палата) ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (юкори палата) деб номланади.

57-савол. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига кимлар эга. Кимлар бу каби ҳуқуқлардан маҳрум этилиши мумкин?

Конунчилик палатасига депутатлар сайлови умумийдир. Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳукукига эгадирлар.

Конунчилик палатасига сайланиш ҳукукига сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси худудида муким яшаётган фуқаролар эгадирлар. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топил-

ган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар.

58-савол. Судланганлиги олиб ташланган фуқаролар сайлаш ва сайланиши хукуқларига эгами?

Янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасида депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар ўз ифодасини топган бўлиб, унга кўра, «садир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати тутгалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар» депутатликка номзод бўла олмаслиги қайд этилган.

Демак, судланганлиги олиб ташланган фуқаролар нафакат сайлаш, балки сайланиш хукуқидан ҳам тўлиқ фойдаланиши учун хукуқий асослар мавжуд.

59-савол. Маҳаллий ва хорижий кузатувчилар тўғрисидаги маълумотларни Округ сайлов комиссиясига кимлар ва қачон тавсия этади?

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишида депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гурухларидан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, ҳалқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар катнашиш хукуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Манфаатдор ташкилотлар, сайловчилар ташаббускор гурухлари ўз кузатувчилари тўғрисида Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларига сайловга камида ўн беш кун қолганида маълум қиладилар.

Округ сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган

намунадаги мандатни манфаатдор ташкилотдан, сайловчилар ташаббускор гурухидан ариза олинганидан кейин, кузатувчига беш кун ичида беради. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддаси.

60-савол. Кузатувчилар учун амалдаги Конунда қандай фаолиятлар тақиқланган?

Кузатувчиларга куйидагилар ман этилади:

- ❖ сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;
- ❖ сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиёти тарқатиш;
- ❖ сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги кўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;
- ❖ участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан, сайлов қутиларини мухрлашда, уларни очища, овозларни санаб чиқиша аралашиш

61-савол. Кузатувчилар қандай хукуқларга эга?

Кузатувчилар куйидаги хукуқларга эга:

- ❖ депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишлиланган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлислирида ҳозир бўлиш;
- ❖ сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши ва мухрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш;
- ❖ овозларни санаб чиқиша ва участка сайлов комиссиясининг баённомаларини тузишда ҳозир бўлиш;
- ❖ сайлов натижалари тўғрисидаги хужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш;

❖ агар сайлов участкасида ушбу Қонуннинг бузилишига йўл кўйилган, деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори сайлов комиссиясига маълум қилиш.

62-савол. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиши жа раёнларидан кенг аҳоли қатлами қандай тартибда боҳабар бўлиши мумкин?

Амалдаги Қонунда белгиланганидек, сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар, Конунчилик палатаси депутатлигига номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиласидар.

63-савол. Сайлов комиссиялари қайси ҳолатларда қарорлар қабул қиласидар?

Участка сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни ташкил этиш масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қиласидар.

64-савол. Участка сайлов комиссияларининг қарорлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиши тартиби қандай?

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қиласидар. Марказий сайлов комиссияси сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қиласидар.

Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг органлари, депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарор-

лари устидан ана шу қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичидә юқори сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилишлари мумкин. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин, ўн кун ичидә Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин, уч кун ичидә, сайловга олти кундан кам вақт қолганда эса дарҳол кўриб чиқилиши керак. Участка сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни ташкил этиши масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қиласди.

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қиласди. Марказий сайлов комиссияси сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қиласди.

65-савол. Кимлар депутатликка номзодлар кўрсатиш хукуқига эга?

Янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига сайлов тўғриси”даги Қонуннинг энг муҳим хусусиятларидан бири бу - депутатликка номзодлар кўрсатиш хукуқига сиёсий партиялар ва бевосита фуқароларнинг эгалигидир.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган ҳар бир сиёсий партия, депутатликка номзодлар кўрсатиши учун, сайлов компанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишини кўллаб-куvvatловчи камида эллик минг сайловчининг имзосини тўплаган бўлиши лозим.

Эллик минг сайловчининг имзосини тўплаш учун белгиланган имзо ва рақалари сайлов кампанияси бошланган-

лиги эълон қилингандан кейин, Маврказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партияларга берилади.

Мабодо, сиёсий партия имзо варақаларини сохталашибирганлиги аён бўлиб қолса, бу ҳолда Марказий сайлов комиссияси, мазкур сиёсий партияниң сайловда қатнашиш ҳукукини рад этади.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганида тугайди.

**66-савол. Сиёсий партиялар депутатликка номзодларни
қайси вақтдан бошлаб кўрсата бошлайдилар?**

Сиёсий партиялар, сайловга олтмиш беш кун қолганда депутатликка номзодлар кўрсата бошлашлари мумкин, сайловга қирқ беш кун қолганда эса депутатликка номзодлар кўрсатишни тўхтатишлари лозим бўлади.

**67-савол. Сиёсий партиялар Ўзбекистон сайлов қонунчилигига биноан, нечтағача депутатликка номзодлар
кўрсатиши мумкин?**

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасида мустаҳкамланганидек, Ўзбекистон худудида бир юз йигирма (120та) сайлов округлари ташкил этилади, шу боис, сиёсий партиялар ҳар бир сайлов округидан биттадан, яъни 120 та номзод кўрсатишлари мумкин.

**68-савол. Депутатликка бевосита фуқаролар томонидан
номзодлар кўрсатиши тартиби қандай?**

Сайлаш ҳукукига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гурухи депутатликка номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида уч юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гурухини тузиши мумкин.

Округ сайлов комиссияси ўзига тақдим этилган хужжат-

ларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлигини аниқлаб, хужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан, беш кун ичида, такорий сайлов ёки бўшаб қолган ўринларга Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови ўтказилаётган тақдирда эса уч кун ичида сайловчилар ташаббускор гурухини рўйхатга олиш тўғрисида ёки рўйхатта олишни рад этиш ҳакида қарор қабул килади. Сайловчилар ташаббускор гурухи рўйхатта олинганинг тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин, гурухнинг ваколатли вакилига тегишли рўйхатта олингандик гувоҳномаси ҳамда имзо варагаларининг белгиланган намунаидаги бланкалари берилади.

Сайловчилар ташаббускор гурухини рўйхатга олиш рад этилган тақдирда округ сайлов комиссияси асослантирилган жавоб беради. Сайловчилар ташаббускор гурухи ўзининг ваколатли вакилига рўйхатта олингандик гувоҳномаси берилганидан кейингина, депутатликка номзодни кўллаб-куватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўплашга ҳакли. Бу санага қадар тўпланган имзолар ҳисобга олинмайди.

Депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гурухи округ сайловчилари умумий сонининг камида саккиз фоизи миқдорида номзодни кўллаб-куватловчи имзо тўплаши, бунда имзолаётган фуқаролар миқдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда тақсимланган бўлиши шарт. Сайловчилар фақат битта депутатликка номзодни кўллаб-куватлаб, бир мартағина имзо кўйишга ҳакли. Бунда сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини (ёши ўн саккизда бўлса, кўшимча равишда туғилган куни ва ойини), яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек имзо кўйган санани кўрсатади. Имзо варакасини сайловчилар ташаббускор гурухининг имзо тўплаган аъзоси, шунингдек сайловчилар ташаббускор гурухининг ваколатли вакили ўз фамилияси, исми, отасининг исмини, яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини кўрсатган ҳолда тасдиқлади. Сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек,

ташвиқот юритиши ва имзо түплаш қонун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилади. Имзо түплаштыган шахс томонидан сайловчиларни мажбур килиш ва уларни пора эвазига ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Имзо түплаш тамомланганидан сўнг, сайловчилар ташаббускор гурухининг ваколатли вакили ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича алоҳида-алоҳида килиб тикилган имзо ва рақаларини тегишли округ сайлов комиссиясига топширади. Округ сайлов комиссияси имзо ва рақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириб кўради ва беш кунлик муддат ичида, такрорий сайлов ёки бўшаб қолган ўринларга Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови ўтказилаётган тақдирда эса уч кунлик муддат ичида тегишли баённомани Марказий сайлов комиссиясига топширади.

69-савол. Қайси фуқаролар депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайди?

- Содир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати тутгалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар;

- сайлов кунига қадар, сўнгти беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси худудида муқим яшамаган фуқаролар;

- Ўзбекистон Республикаси Куролли кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари; диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

70-савол. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиши қачонгача давом этади?

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гурухларидан депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун хужжатларни қабул қилишни рўйхатта олиш муддати тугасига етти кун қолганида, яъни сайловга 42 кун қолганида тўхтатади.

Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тугалланади.

71-савол. Сайловолди ташвиқоти қачон бошланади?

Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан, яъни сайловга 53 кун қолганидан бошланиб, сайлов кунигача давом этади. Қонунда белгиланганидек, сайлов куни ташвиқот юритишга йўл кўйилмайди.

72-савол. Депутатликка номзодларнинг ташвиқот олиб бориши ва дастурларни тузиши бўйича бирор-бир хукуқий чегара мавжудми?

Депутатликка номзодларнинг ташвиқот олиб бориши ва дастурларини тузиши бўйича бирор-бир хукуқий чегара мавжудми? Депутатликка номзодларнинг дастурлари давлатнинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз килмаслиги, уларга уруш, миллий, ирқий ва диний адоват тарғиботи, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фукароларнинг конституциявий хукуклари ва эркинликларни камситувчи хатти-харакатларга даъват бўлмаслиги керак.

Ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан олиб борилиши тақиқланади.

73-савол. Ишончли вакиллар кимлар ва улар қандай вазифани баъсарадилар?

Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин, беш нафарга қадар ишончли вакилларини ўзи белгилайди ва бу ҳақда округ сайлов комиссиясига маълум килади. Сайлов комиссияси ишончли вакилларни рўйхатга олади ва уларга гувоҳнома беради. Ишончли вакиллар номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритадилар, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан.

ўзаро муносабатларда, шунингдек, сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини химоя қиладилар.

Депутатликка номзод округ сайлов комиссиясига маълум қилған ҳолда сайловга қадар, ўз ишончли вакилини истаган вақтда ваколатидан маҳрум қилиши ва уни бошқаси билан алмаштириши мумкин. Ишончли вакил истаган вақтда ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли.

Ишончли вакил сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин эмас.

74-савол. Сайловчилар рўйхатларини тузиш тартиби қандай?

Сайловчилар рўйхати ҳар бир сайлов участкаси бўйича участка сайлов комиссияси томонидан тузилади ва уни комиссия раиси билан котиби имзолайди. Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини тузиш ишида қатнашишга жамоатчилик вакилларини жалб этиши мумкин.

Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўладиган, рўйхат тузилаётган вақтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтингчалик истиқомат қилиб келаётган фуқароларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади. Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин.

Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи сайловчиларнинг, шунингдек, ҳарбий хизматчилар оила аъзолари ва бошқа сайловчиларнинг, агар улар ҳарбий қисмлар жойлашган ерда истиқомат килсалар, рўйхатлари ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар ўзларининг яшаш жойлари бўйича умумий асосларда сайловчилар рўйхатига киритиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар (идоралар) раҳбарлари томо-

нидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилади. Янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида”ги Қонуннинг 32-моддаси.

75-савол. Участка сайлов комиссияси томонидан тузиб тасдиқланган сайловчилар рўйхатлари хусусидаги баҳслар ва уларни ҳал этиши тартиби қандай?

Ҳар бир фуқаро сайловчилар рўйхатидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига арз қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси 24 соат ичидаги бундай аризани кўриб чиқиши ва хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд аризачига унинг аризаси рад этилганлиги тўғрисида асослантирилган жавоб бериши шарт.

Сайлов комиссиясининг хатти-харакати ва қарори устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин. Янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида”ги Қонуннинг 34-моддаси.

76-савол. Сайловга овоз бериши қачон ва қайси пайтда ўтказилади?

Сайловгага овоз бериш 2004 йил 26 декабр куни эрталаб соат 6:00 дан кеч соат 20:00 гача ўтказилади. Янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида”ги Қонуннинг 38-моддаси.

77-савол. Бирор-бир сабаб билан сайловга келолмаган ёки сайлов куни яшаш жойида бўлмаган фуқаро қандай тартибда овоз бериши мумкин?

Сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варагасини талаб қилиб олиши, бир қарорга келгач, тўлдирилган сайлов варагасини конвертга солиб, уни ёпик ҳолда участка комиссиясида қолдириш мумкин. Сайловчи сайлов варагасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Сайлов варагасининг шакли, сайлов варагаларини тайёрлаш тартиби, уларни сайлов участкаларига етка-

зид бериш муддатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, уларнинг илтимосига биноан, участка сайлов комиссияси комиссия аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишини топширади Янги таҳрирга “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида”ги Конуннинг 41-моддаси.

78-савол. Депутат бўлиши учун қанча овоз тўпланиш талаб қилинади?

Овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўпининг овозини олган депутатликка номзод депутат этиб сайланган деб хисобланади. Мисол учун, сайловда овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярми ва яна бир сайловчи маълум бир номзодга овоз беришган бўлсаям, бу номзод депутатликка сайланган хисобланади.

79-савол. Бўшаб қолган ўринларга Конунчилик палатаси депутатларининг сайловини ўтказилиш тартиби қанақа?

Марказий сайлов комиссияси айрим депутатларининг ваколатларини ҳақиқий эмас, деб топган тақдирда, шунингдек депутат чақириб олинган, бошқа сабабларга кўра, депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тугатилган ҳолларда, тегишли сайлов округларида янги сайлов ўтказилади. Сайлов Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов ўтказилишига камида бир ой қолганида тайинланади ва ушбу Конуннинг талабларига риоя қилган ҳолда ташкил этилади. Бунда округ сайлов комиссияси сайловга йигирма беш кун, участка сайлов комиссиялари эса ўн беш кун қолганида тузилади. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўн беш кун қолганида тугалланади. **Конунчилик ваколат муддатининг тугашига олти ойдан кам вакт қолганида Конунчилик палатаси депутатининг ўрни бўшаб қолса, бўшаб**

қолган ўринга янги депутат сайлови ўтказилмаслиги мумкин Янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида” ги Конуининг 47-моддаси.

80-савол. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Сенатини шакллантириш тартиби сайлов қонунчилигига қандай белгиланган?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси – Парламентининг юқори палатаси ҳисобланган Сенатни шакллантириш тартиби янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Конунида мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра, Сенат, яъни худудий вакиллик палатаси Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат бўлади. Қорақалпогистон Республикаси (6 та), Тошкент шаҳри (6 та) ва ўн икки вилоят (12 ни б га кўпайтирасак – 72 та), демак, 6+6+72 тент 84 та сенатор Сенатга сайланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқарш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар ичидан ўн олти нафар шахсни Сенат аъзолигига тайинлайди. Сенатнинг таркиби, 84 та сайланган ва 16 та тайинланган шахслардан иборат бўлади.

Сенатнинг ваколат муддати – беш йил.

81-савол. Сенатга сайлов ўтказиш муддатлари қандай белгиланган?

Сенатга сайлов ўтказиш муддати Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайланганидан кейин, бир ойдан кечиктирмай ўтказилиши лозим.

82-савол. Сенат аъзолигига сайланадиган номзодларга қўйиладиган талаблар Конунчилик палатасига сайланадиган номзодларга нисбатан қўйиладиган талаблардан фарқланадими?

Сенатта сайланиш учун фуқаро Қорақалпогистон Республикаси Конунчилик палатасига сайланадиган номзодларга нисбатан қўйиладиган талаблардан фарқланадими?

ликаси Жўқорғи Кенгесининг, вилоят, туман, шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органининг сайлов куни йигирма беш (25) ёшга тўлган ҳамда камида беш (5) йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган депутати Сенатга сайланиш учун номзод бўлишга ҳакли.

83-савол. *Маҳаллий Кенгашиларга бўладиган сайловларда кимлар қатнашиши мумкин?*

- Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига депутатлар сайлови умумий ҳисобланади. Бу сайловларда, сайлов куни 18 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари сайлаш ҳуқукини амалга оширишлари мумкин.

Сайланиш ҳуқуқига эса, сайлов куни 21 ёшга тўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон фуқаролари эгадирлар. Янги таҳрирдаги “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни.¹

84-савол. *Маҳаллий кенгашиларга бўладиган сайловларда ҳам кузатувчилар қатнашиши назарда тутилганми?*

Бундай қоида бор. Сайловга тайёрғанрлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чикишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидан, сайловчиларнинг ташаббускор гурухларидан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиши мумкин. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 6-моддасининг 4-қисми.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси. 2003. № 9-10. 34-модда.

85-савол. *Маҳаллий кенгашларга сайлов комиссиясини тузиш тартиби қандай?*

Вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан сайловга камида саксон кун қолганида комиссиянинг раиси ва олти/ўн тўрт нафар бошқа аъзосидан иборат таркибда тузилади ҳамда ўз ваколатларини тегишли халқ депутатлари Кенгашларига сайлов юзасидан навбатдаги сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингунга қадар амалга оширади.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасининг 1-кисми.

86-савол. *Округ сайлов комиссиялари қачон тузилади?*

Округ сайлов комиссиялари тегишли вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида, комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва олти-саккиз нафар бошқа аъзолардан иборат таркибда тузилади. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддаси.

87-савол. *Участка сайлов комиссияси қачон тузилади?*

Участка сайлов комиссияси туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан сайловга камида кирқ кун қолганида беш-ўн тўккиз нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади. Агар комиссия етти нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилса, бу ҳолда раис ва котиб сайланади.

88-савол. *Маҳаллий Кенгашларга сайлов кампанияси бошланганлигини эълон этиши тартиби қандай?*

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов юзасидан сайлов кампаниясининг бошланганлиги депутатларнинг ваколат муддати тугашидан камида уч ой олдин Ўзбекистон Республикаси марказий сайлов комиссияси томонидан

оммавий ахборот воситаларида эълон этилади.

89-савол. *Маҳаллий Кенгашларнинг депутатлигига номзодлар кўрсатиш қачон бошланади ва тугатилади?*

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлигига номзодлар кўрсатиш, сайловга олтмиш беш кун қолганда бошланиб, сайловга қирқ беш ун қолганида тўхталиди.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг 22-модданинг 1-банди.

90-савол. *Маҳаллий Кенгашларнинг депутатлигига кимлар номзодлар кўрсатиш хукуқига эгадирлар?*

Сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда сайловчиларнинг ташаббускор гурухлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш хукуқига эгадирлар.

91-савол. *Номзодлар сиёсий партияларнинг қандай органи томонидан кўрсатилади?*

Вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлигига номзодлар сиёсий партияларнинг вилоят органлари томонидан, сиёсий партияларнинг тегишли туман, шаҳар органлари томонидан кўрсатилади.

92-савол. *Сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарши органлари нечта номзод кўрсатишга ваколатли?*

Сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тегишли худудда жойлашган ҳар бир сайлов округидан вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг депутатлигига биттадан номзод кўрсатишлари мумкин.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг 22-модданинг 4-банди.

93-савол. *Маҳаллий Кенгашиларга номзодлар кўрсатилинг яна қандай талаблари мавжуд?*

Депутатликка, қоида тариқасида, тегишли вилоят, туман ёки шаҳар ҳудудида яшовчи ёки ишловчи фуқаролар номзод этиб кўрсатилади;

Бир шахс тегишли халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашига сайлов ўтказувчи факат битта сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов «тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 22-модданинг 5-банди.

94-савол. *Сиёсий партиялар партиясизларни ҳам номзодликка кўрсатилиши мумкини?*

Сиёсий партиялар факат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни депутатликка номзод этиб кўрсатишга ҳақлидирлар.

95-савол. *Сиёсий партиялар тегишли органининг вакили сайлов комиссияга депутатликка номзодларни рўйхатга олишини илтимос қилиб мурожаат этиши тартиби қандай?*

Сиёсий партия тегишли органининг депутатликка номзодларни рўйхатга олишини илтимос қилиб, тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага сиёсий партия тегишли органининг депутатликка номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори ҳамда сиёсий партия тегишли органи мажлисининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, унда депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими, иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги, шунингдек, сайлов округининг номи ва тартиб рақами кўрсатилади.

96-савол. Сайловларда иштирок этувчилар учун тенг имкониятлар берилшии қандай таъминланади?

- Депутатликка номзодлар сиёсий партияларга, мустакил ташаббускор гурухларга тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг хукуклидир.

Сайловчиларнинг йигилишлари, участка сайлов комиссияси томонидан барча номзодлар учун бир хил, мутлақ тенг шароитларга риоя этилган ҳолда ташкил этилади;

97-савол. Депутатликка номзодлар қандай имтиёзлардан фойдаланаадилар?

Депутатликка номзод этиб рўйхатга олинган шахс сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йигилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшитиришларида қатнашиш вақтида, ўргача ойлик иш ҳақи сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан сақланган ҳолда, ишлаб чиқариши ёки хизмат вазифаларидан озод бўлишга ҳақли. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 26/1-моддаси.

98-савол. Сайлов бюллетенини тўлдириши тартиби қандай?

Сайловда сайловчи ўзи қарши овоз берадиган депутатликка номзодларнинг сайлов бюллетенидаги фамилиясини учириш орқали амалга оширилади.

99-савол. Қандай сайлов бюллетенлари ҳақиқий эмас, деб топилади?

Белгиланмаган намунадаги сайлов бюллетенлари ва варақалари, шунингдек, овоз бериш чогида биттадан ортиқ депутатликка номзоднинг фамилияси қолдирилган сайлов бюллетенлари ва варақалари ҳақиқий эмас деб топилади.

**100-савол. Сайлов округлари бўйича сайлов натижалари
қандай хужжат асосида аниқланади?**

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўладиган сайловларда сайлов округлари бўйича сайлов натижалари фақат участка сайлов комиссияларининг тақдим этилган баённомалари асосида аниқланади.

Фойдаланилган манбалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т. Ўзбекистон. 2004.
2. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августдаги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2003. № 9-10. 132-модда.
3. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августдаги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2003. № 9-10. 134 –модда.
4. «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелдаги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 2004.21-сон. 248-модда.
5. Жаҳон Конституциялари. Тузувчилар: У.Тожихонов, А.С.Сайдов. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2001.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
1-савол. Сайловлар қачон ва қай тариқа вужудга келган?	4
2-савол. Сайлов хукуқининг мазмуни нимадан иборат?	4
3-савол. Сайлов хукуқининг қандай манбалари бор?	4
4-савол. Сайловнинг ўзи нима?.....	5
5-савол. Сайловларнинг қандай турлари мавжуд?	5
6-савол. “Абсентизм” атамасининг маъноси нима?.....	7
7-савол. Сайлов хукуқининг қандай принциплари мавжуд?.....	7
8-савол. Сайлов хукуқининг умумийлиги принципи нимани англатади?.....	8
9-савол. Тенг сайлов хукуқи нимани англатади?	8
10-савол. Сайловларда эркин қатнашиш принципи нимани англатади?.....	8
11-савол. Тўғридан-тўғри сайлов хукуқи принципи нимани англатади?.....	9
12-савол. Яширин овоз бериш принципи нимани англатади?	9
13-савол. Сайлов цензлари нима?	9
14-савол. Ёш цензи нима?.....	10
15-савол. Ёш цензи, яъни ҳар бир фуқаро сайловда қатна- шиши учун неча ёшга етган бўлиши лозимлиги бутун дунё мамлакатларида бир хилми?	10
16-савол. Сайловларда ўтроклик цензи нимани билдиради?	10
17-савол. Мулк цензи нима?	11
18-савол. Сайлов жараёни нима?	11
19-савол. Сайлов жараёни қандай босқичлардан иборат?.....	11
20-савол. Сайлов округи тушунчасининг мазмуни нимадан иборат?	11
21-савол. Сайлов округлари қай тарзда ташкил этилади?	12
22-савол. Сайлов округларининг қандай кўринишлари мавжуд?.....	12
23-савол. Бир мандатли сайлов округи қанақа?	12
24-савол. Кўп мандатли сайлов округи қанақа?	12
25-савол. Сайлов участкалари нима?.....	13
26-савол. Сайлов органлари қандай орган?	13

27-савол. Сайлов органларининг ташкил этилиш тартиби барча давлатларда бир хилми?	13
28-савол. Округ сайлов органларининг ташкил топиш тартиби қандай амалга оширилади?.....	14
29-савол. Участка сайлов органлари қай тарзда ташкил этилади?	14
30-савол. Сайловчиларни рўйхатдан ўтказиш қай тарзда амалга оширилади?	14
31-савол. Номзодларни депутатликка кўрсатиш тартиби қай тариқа амалга оширилади?.....	14
32-савол. Сиёсий партиялар томонидан номзодларни кўрсатиш тартиби қандай?.....	15
33-савол. Фуқароларнинг пассив сайлов хукуки қайси ҳолларда чекланиши мумкин?	15
34-савол. Депутатликка номзодларга алоҳида талаблар кўйиладиган ҳоллар ҳам мавжудми?	16
35-савол. Хорижий давлатларда сайловларни молиялаштириш тартиби қандай?	16
36-савол. Ўзбекистонда сайловларни молиялаштириш тартиби қандай?	16
37-савол. Сайловларни давлат томонидан молиялаштириш тартиби яна қайси мамлакатлarda мавжуд?	17
38-савол. Овоз бериш жараёни қандай тартибда амалга оширилади?	17
39-савол. Бевосита овоз бериш жараёни қай тариқа юз беради?	17
40-савол. Берилган овозлар қандай ҳисобланади?	17
41-савол. Овозларни ҳисоблаш тартиби барча давлатларда бир хилми?.....	18
42-савол. Сайлов тизимининг қандай турлари бор?	18
43-савол. Мажоритар сайлов тизимининг қандай хусусиятлари бор?.....	18
44-савол. Малакали кўпчилик овозли мажоритар тизимнинг бошқаларидан фарқи нимада?	19
45-савол. Бу тизимнинг заиф жиҳатлари нимада кўринади?	19
46-савол. Икки турдаги сайловлар қай тариқа ўтказилади?.....	19

47-савол. Мутлақ кўпчилик овозли мажоритар тизимнинг малакали кўпчилик овоз олиш тизимидан фарқи нимада кўринади?	20
48-савол. Мабодо, бу тизимда номзодларнинг бирортаси ҳам 50 % плюс 1 та овоз ола олмаса, у ҳолда нима бўлади?	20
49-савол. Мажоритар тизимнинг нисбий кўпчилик овоз олишга асосланган кўринишида овоз йиғиши тартиби қандай?	20
50-савол. Мажоритар тизимнинг кўп давлатларда амал килиши унинг анча самарадорлигидан далолат беради, бу тизимнинг қандай ижобий жиҳатлари бор?	20
51-савол. Мажоритар тизимнинг заиф жиҳатлари ҳам мавжудми?	21
52-савол. Мажоритар сайлов тизимида, кўпинча, сайловлар бир мандатли округларда ўтказиладими ёки кўп мандатли округларда ўтказиладими?	21
53-савол. Мажоритар сайлов тизимидан бошқа яна анча кенг тарқалган қандай сайлов тизимлари мавжуд?	21
54-савол. Мажоритар тизим бир мандатли округлардаги сай- ловларда кўп кўлланилса, пропорционал сайлов тизими қайси ҳолларда кўпроқ кўлланилади?	21
55-савол. Айрим давлатларда мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларини аралашган, уйғунлашган ҳолда кўллаш ҳоллари ҳам мавжудми?	21
56-савол. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари қандай номланади?	22
57-савол. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасига сайлаш ва сайланиш хукуқига кимлар эга. Кимлар бу каби хукуклардан маҳрум этилиши мумкин?	22
58-савол. Судланганлиги олиб ташланган фуқаролар сайлаш ва сайланиш хукукларига эгами?	23
59-савол. Маҳаллий ва хорижий кузатувчилар тўғрисидаги маълумотларни Округ сайлов комиссиясига кимлар ва қачон тавсия этади?	23

60-савол. Кузатувчилар учун амалдаги Қонунда қандай фаолиятлар тақиқланған?	24
61-савол. Кузатувчилар қандай ҳукуқларга эга?	24
62-савол. Сайловга тайёргарлик күриш ва уни ўтказиш жараёнларидан кенг ақоли қатлами қандай тартибида бохабар бўлиши мумкин?	25
63-савол. Сайлов комиссиялари қайси ҳолатларда қарорлар қабул қиласидилар?	25
64-савол. Участка сайлов комиссияларининг қарорлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиш тартиби қандай?	25
65-савол. Кимлар депутатликка номзодлар кўрсатиш хукуқига эга?	26
66-савол. Сиёсий партиялар депутатликка номзодларни қайси вақтдан бошлаб кўрсата бошлайдилар?	27
67-савол. Сиёсий партиялар Ўзбекистон сайлов қонунчилигига биноан, нечтагача депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин?	27
68-савол. Депутатликка бевосита фуқаролар томонидан номзодлар кўрсатиш тартиби қандай?	27
69-савол. Қайси фуқаролар депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайди?	29
70-савол. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш қачонгача давом этади?	29
71-савол. Сайловолди ташвиқоти қачон бошланади?	30
72-савол. Депутатликка номзодларнинг ташвиқот олиб бориши ва дастурларни тузиши бўйича бирор- бир ҳукукий чегара мавжудми?	30
73-савол. Ишончли вакиллар кимлар ва улар қандай вазифани бажарадилар?	30
74-савол. Сайловчилар рўйхатларини тузиш тартиби қандай?	31
75-савол. Участка сайлов комиссияси томонидан тузуб тас- диқланган сайловчилар рўйхатлари хусусидаги баҳслар ва уларни ҳал этиш тартиби қандай?	32
76-савол. Сайловга овоз бериш қачон ва қайси пайтда ўтказилади?	32

77-савол. Бирор-бир сабаб билан сайловга келолмаган ёки сайлов куни яшаш жойида бўлмаган фуқаро қандай тартибда овоз бериши мумкин?	32
78-савол. Депутат бўлиш учун қанча овоз тўплаш талаб қилинади?	33
79-савол. Бўшаб қолган ўринларга Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловини ўтказиш тартиби қанака?	33
80-савол. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Сенатини шаклантириш тартиби сайлов конунчилигида қандай белгиланган?	34
81-савол. Сенатга сайлов ўтказиши муддатлари қандай белгиланган?	34
82-савол. Сенат аъзолигига сайланадиган номзодларга қўйиладиган талаблар Қонунчилик палатасига сайланадиган номзодларга нисбатан қўйиладиган талаблардан фарқланадими?	34
83-савол. Маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловларда кимлар қатнашиши мумкин?	35
84-савол. Маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловларда ҳам кузатувчилар қатнашиши назарда тутилганми?	35
85-савол. Маҳаллий кенгашларга сайлов комиссиясини тузиш тартиби қандай?	36
86-савол. Округ сайлов комиссиялари қачон тузилади?	36
87-савол. Участка сайлов комиссияси қачон тузилади?	36
88-савол. Маҳаллий Кенгашларга сайлов кампанияси бошланганигини эълон этиш тартиби қандай?	36
89-савол. Маҳаллий Кенгашларнинг депутатлигига номзодлар кўрсатиш қачон бошланади ва тугатилади?	37
90-савол. Маҳаллий Кенгашларнинг депутатлигига кимлар номзодлар кўрсатиш хукуқига эгадирлар?	37
91-савол. Номзодлар сиёсий партияларнинг қандай органи томонидан кўрсатилади?	37
92-савол. Сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари нечта номзод кўрсатишга ваколатли?	37
93-савол. Маҳаллий Кенгашларга номзодлар кўрсатишнинг яна қандай талаблари мавжуд?	38

94-савол. Сиёсий партиялар партиясизларни ҳам номзодликка кўрсатиши мумкинми?	38
95-савол. Сиёсий партиялар тегишли органининг вакили сайлов комиссияга депутатликка номзодларни рўйхатга олишни илтимос килиб мурожаат этиши тартиби қандай?.....	38
96-савол. Сайловларда иштирок этувчилар учун тенг имкониятлар берилиши қандай таъминланади?	39
97-савол. Депутатликка номзодлар қандай имтиёзлардан фойдаланадилар?.....	39
98-савол. Сайлов бюллетенини тўлдириш тартиби қандай?.....	39
99-савол. Қандай сайлов бюллетенлари ҳақиқий эмас, деб топилади?.....	39
100-савол. Сайлов округлари бўйича сайлов натижалари қандай хужжат асосида аниқланади?	40
Фойдаланилган маёнбалар:	41

М.А.АХМАДШОЕВА, Ш.В.РАСУЛОВ

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ: 100 САВОЛГА 100 ЖАВОБ

Техник муҳаррир: Ҳожимухаммедов Ж.Ж.

Компьютерда саҳифаловчи: Рахимов Ш., Нурлибаев Ф.

Нашрға топширилди – **15.10.2004** й.
Ҳажми – **3** б.т. Адади **10000** нусха.
Буюртма № **411**.

Тошкент давлат юридик институти
босмахонасида нашр этилди.
Сайилгоҳ кўчаси, 35, ТДЮИ, Тошкент, 700047
